

V. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

2018 йилнинг январь-июнь ойларида янги ташкил этилган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 1426 тани ташкил қилди.

2018 йил январь-июнда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 69,6 фоизи (2017 йил январь-июнда 70,3 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

2018 йилнинг январь-июнда кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 1357,2 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 63,7 фоизи) ёки 2017 йилнинг январь-июнига нисбатан ўсиш суръати 105,0 фоизни ташкил қилди;

- 2538,3 млрд. сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиklarининг ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб, ўсиш суръати 105,8 фоизни (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиklари ялпи маҳсулотининг 102,2 фоизи) ташкил қилди;

- 818,2 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 41,8 фоизи) ўзлаштирилди ва ўсиш суръати 2017 йилнинг январь-июнь даврига нисбатан 102,7 фоизни ташкил қилди;

- 721,1 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 94,2 фоизи) бажарилди ва ўсиш суръати 2017 йилнинг январь-июнь даврига нисбатан 103,5 фоизга тенг бўлди;

- автомобил транспорти юк айланмасининг 105,5 фоизга (вилоят жами автомобил транспорти юк айланмасининг 87,1 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 102,3 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 98,1 фоизи) кўпайиши таъминланди;

- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 92,6 фоизи ёки 440,6 млрд. сўмни 2017 йил январь-июнга нисбатан (ўсиш суръати 104,9 фоиз) ни ташкил қилди;

- 56,2 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 86,6 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 121,2 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 93,8 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

**2018 йилнинг январь-июнь ойларида кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти
(ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги улуши**

	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млн.сўм</i>	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида умумий ҳажмидаги улуши, % ҳисобида</i>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	2538,3	102,2
Саноат	1357,2	63,7
Қурилиш	721,1	94,2
Чакана савдо	440,6	92,6
Юк ташиш, млн тн.	11,2	106,2
Йўловчи ташиш, млн.киши	212	102,0
Экспорт, млн. АҚШ долл.	56,2	86,6
Импорт, млн. АҚШ долл.	121,2	93,8

**Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти
(ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушининг ўзгариши
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)**

